

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИСЛОМ МОЛИЯСИ
ВОСИТАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ АСОСЛАРИ: БАНК ОМОНАТЛАРИ
ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**
Файёз Гиёс ўғли НУРИДДИНОВ

магистрант

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Тошкент, Ўзбекистон

fayyoznuriddinov92@gmail.com

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банкларида ислом молияси воситаларини жорий этишнинг истиқболлари, уларнинг самарадорлиги ва соҳага таъсирининг иқтисодий жиҳатлари анъанавий банк омонатлари ўрнини босувчи исломий молия воситалари мисолида ўрганилган. Унда ислом молияси тизимидаги муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимлари ҳақида илмий-услубий, амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Таянч сўзлар: ислом молияси, мусовама, таварруқ, истижрор, истисна, ижора, қарзи ҳасана, бай-ал-дайн, сукук, муҳофаба, мушорака, музораба, ҳавола, мулк, микроиқтисодиёт.

**ОСНОВЫ ВНЕДРЕНИЯ ИСЛАМСКИХ ФИНАНСОВЫХ
ИНСТРУМЕНТОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ОСОБЕННОСТИ
ФИНАНСИРОВАНИЯ ЧЕРЕЗ БАНКОВСКИЕ ДЕПОЗИТЫ**

Файёз Гиёс ўғли НУРИДДИНОВ

магистрант

Банковско-финансовая академия

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

fayyoznuriddinov92@gmail.com

Аннотация

В статье на примере исламских финансовых инструментов, заменяющих традиционные банковские депозиты, изучаются перспективы внедрения исламских финансовых инструментов в коммерческих банках, действующих в Республике Узбекистан, их эффективность и экономические аспекты их влияния на отрасль. Содержит научно-методические, практические предложения и рекомендации о проблемных ситуациях в исламской финансовой системе и их решениях.

Ключевые слова: исламские финансы, Мусавома, таварруқ, истиджрар, исключение, аренда, долговая хасана, бай-ад-дайн, сукук, муҳофаба, мушарака, музораба, ссылка, собственность, микроэкономика.

Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги йилларда барқарор ўсиш суръатларини намоён этмоқда, аммо бу ўсишни янада жадаллаштириш учун молиявий секторида инновацион ёндашувлар талаб қилинмоқда. Молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш имкониятларини кенгайтириш ҳамда сармояларни жалб қилиш борасидаги чора-тадбирлар мамлакат иқтисодий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай йўналишлардан бири сифатида исломий молия тизимини жорий этиш Ўзбекистон иқтисодиётига қўшимча туртки бериш имкониятига эга.

Исломий молия тизими дунё бўйлаб кўплаб давлатларда ўз самарадорлигини исботлаган, чунки у фойдасиз кредитлаш, фойда ва зарарларни тақсимлашга асосланган механизмлари орқали ижтимоий ва иқтисодий барқарорликка хизмат қилади. Бундан ташқари, исломий молиянинг сармояларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ва савдо соҳаларига йўналтириши иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистондаги молиявий секторда асосий роль ўйнаётган тижорат банклари асосан анъанавий кредитлаш ва фойзли операцияларга таянади. Аммо исломий молиялаштириш иқтисодиётнинг турли соҳаларида фойда олиш ва сармояларнинг қўшимча манбаларини яратишни назарда тутаяди. Хусусан, бу усул тадбиркорлик субъектларига янги лойиҳаларни молиялаштириш имкониятини беради ва айни пайтда омонатчилар учун ҳам шаффоф ва адолатли шароитлар яратади.

Шунга қарамай, бу соҳани ривожлантиришда бир қатор тўсиқлар мавжуд. Хусусан, мамлакатдаги банклар тўғрисидаги қонунчиликдаги айрим чекловлар исломий молия моделларини тўлақонли жорий этишга йўл қўймайди. Бу чекловлар, ўз навбатида, молиявий бозорнинг диверсификациясини чеклаб, иқтисодиётга кириб келаётган янги сармоялар ва молиявий ресурсларнинг оқимини секинлаштиради. Шу боис, исломий молиялаштиришнинг тўлиқ

имкониятларини рўёбга чиқариш учун мамлакат қонунчилигида бир қатор ўзгартишлар киритилиши зарур. Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган бир пайтда, молиявий секторнинг роли ҳам тобора ортиб бормоқда. Маҳаллий ва халқаро сармоядорларни жалб қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда аҳолининг молиявий имкониятларини кенгайтиришда янги ва самарали молиялаштириш механизмларига бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Исломий молия тизими шундай воситалардан бири сифатида дунё миқёсида ўзини намоён этмоқда ва унинг Ўзбекистонда татбиқ этилиши иқтисодиётга қўшимча суръат бағишлаши мумкин.

Шу билан бирга, мамлакатимизда исломий молиялаштиришни жорий этишга бўлган қонунчиликдаги тўсиқлар ва молиявий сектордаги чекловлар бу йўналишнинг тўлақонли ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ҳолбуки, исломий молия ўзининг фоизсиз кредитлаш механизми, рискларни тақсимлаш усуллари ва ижтимоий адолатга асосланган ёндашувлари орқали иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ушбу ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш ва уни янада жадаллаштириш учун Ўзбекистонда ҳали кенг қўлланилмаган айрим истиқболли молиявий технологияларни жорий этиш ва кенгайтириш зарурати туғилади. Булар орасида исломий молия бошқа молиявий технологиялар қатори жаҳон молиявий хизматлар саноатида жадал ривожланаётган, аммо Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг (МДХ) кўпгина мамлакатларида ҳали сезиларли ўринга эга бўлмаган тармоқлардан биридир.

Мамлакат иқтисодиётини янада диверсификация қилиш ва барқарор ўсишни таъминлаш учун янги молиявий технологияларни жорий этиш зарурияти ортиб бормоқда. Хусусан, Ислом молияси бутун дунё бўйлаб тез суръатларда ривожланаётган бир соҳа бўлса-да, Ўзбекистонда ҳали етарли даражада ривожланмаган ва кенг татбиқ этилмаган. Аҳолисининг 93% мусулмон бўлган Ўзбекистон учун бу молиявий технологиялар катта иқтисодий

имкониятларни очиб бериши мумкин. Ислом молияси, диний эътиқодлари туфайли одатдаги банк тизимидан фойдаланмайдиган кўплаб шахслар ва корхоналарни молиявий тизимга жалб қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастури томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 38% корхоналари ва 56% аҳолиси анъанавий банклардан кредит олмасликларини диний эътиқодлари билан изоҳлашган. Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг маълумотларига кўра, Исломий молия воситаларининг жорий этилиши давлат бюджетига қўшимча равишда \$100 миллион миқдорида маблағ киритилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бироқ, диний сабаблар туфайли анъанавий молиявий хизматлардан фойдаланмайдиган аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланилмаган маблағлар ҳажми ва уларни молиявий тизимга жалб қилиш имкониятлари бўйича чуқур илмий тадқиқотлар етишмаяпти.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда Ислом молиясига бўлган талаб ортиб бораётганига қарамай, бу соҳанинг ривожланишини секинлаштираётган бир қатор омиллар мавжуд. Хусусан, ҳуқуқий инфратузилма, солиққа тортиш тизими ва тартибга солиш механизмларининг етишмаслиги, шунингдек, Ислом молияси бўйича аҳолининг молиявий саводхонлик даражасининг пастлиги бу ривожланишни тўсиб турибди. “ИМАН Инвест” каби баъзи нотижорат молиявий ташкилотлар Ислом молияси хизматларини таклиф қилишган бўлсалар-да, улар банк фаолиятини юритмайдилар, чунки мамлакат қонунларида бундай фаолиятга рухсат берилмаган.

Ўзбекистоннинг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги" қонунининг 7-моддасига биноан, банклар ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолиятлари билан шуғулланишлари тақиқланган, бу эса Ислом банклари учун тўсиқларни юзага келтиради. Шунингдек, Ислом банклари одатдаги банклардан фарқли ўлароқ, инвестиция киритган маблағлардан фойда олишади ва рискларни миждозлар билан бўлишади. Лекин бундай фаолият ҳозирги қонунчиликда банк

фаоляти сифатида тан олинмайди. Шу сабабли, Исломий банкларни тўлақонли фаолият юритиши учун мамлакатда тегишли қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базанинг ривожланиши зарур.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон молия тизимида Ислом молиясининг имкониятларини чуқур тадқиқ қилиш ва ушбу соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган қонунчилик ва тартибга солиш механизмларини ўрганиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Асосий мақсад Ўзбекистонда Ислом молиясини жорий этиш ва уни мамлакат иқтисодиётига киритиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий таъсирларни чуқур ўрганишдан иборат. Ўзбекистон аҳолисининг кўпчиликлари ташкил қилувчи мусулмон жамоаси орасида диний эътиқодлар сабабли анъанавий молиявий хизматлардан фойдаланмаётган катта қисми мавжуд. Уларнинг инвестицион фаолиятини фаоллаштириш ва Ислом молияси орқали иқтисодий имкониятларини кенгайтириш масаласини таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

Ислом молиясининг самарали ривожланиши учун зарур бўлган қонунчилик ва тартибга солишдаги ўзгаришлар, Ўзбекистонда бу соҳанинг тараққий этиши учун қандай ҳуқуқий механизмлар яратилиши лозимлиги, амалдаги молия тизимига қандай ўзгаришлар киритилиши кераклигини чуқур таҳлил қилиш орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бу орқали давлатнинг Ислом молиясига оид қабул қилинадиган қонун ва регламентларининг самарадорлиги баҳоланади ва такомиллаштириш йўллари таклиф этилади.

Бундан ташқари, тадқиқотда бошқа МДХ давлатлари, жумладан, Ислом молиясини ривожлантиришда илғор қадам ташлаган Қозоғистон ва Озарбайжон тажрибаларини ҳам ўрганиш мақсад қилинган. Ушбу давлатлар билан Ўзбекистонни иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан солиштириб, мамлакатимизнинг Ислом молияси соҳасида қандай истиқболлари борлиги, бу жараёнда қандай қийинчиликларга дуч келиши мумкинлиги ҳақида хулосалар чиқариш лозим.

Энг муҳими, тадқиқотда Ўзбекистонда Ислом молияси жорий этилиши натижасида маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш даражасида қандай ўзгаришлар кузатилиши мумкинлигини ўлчаш ва прогноз қилиш ҳам назарда тутилган. Ислом молия воситаларининг жалб этувчи кучи, аҳолининг молиявий иштироки қандай ўзгариши, шу орқали маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш имкониятлари таҳлил қилинади.

Ушбу мақсадлар орқали тадқиқотимиз Ўзбекистонда Ислом молиясининг роли ва истиқболларини иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ёритишни кўзда тутди.

Тадқиқотнинг асосий мақсад Ўзбекистонда Ислом молиясини жорий этиш ва унинг иқтисодий таъсирини ўрганишдан иборат бўлганлиги сабабли, Ислом молиясини самарали жорий қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва меъёрий ўзгаришларни таҳлил қилиш ҳам тадқиқотнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Ушбу мақсадлар асосида қуйида бир қатор тадқиқот саволлари шакллантирилди:

Биринчи савол: Ўзбекистонда Ислом молиясининг жорий этилиши маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш даражасига қандай таъсир кўрсатади? Бу савол орқали Ислом молияси маҳсулотлари орқали янги инвестициялар жалб қилиниши даражасини аниқлаш мумкин. Бу тадқиқотда асосий эътибор шариат қоидаларига амал қилувчи аҳолининг инвестиция имкониятларини оширишга қаратилган.

Иккинчи савол: Ислом молиясини самарали жорий қилиш учун Ўзбекистонда қайси қонун ва меъёрий ҳужжатлар ўзгартирилиши лозим? Бу савол Ислом молиясини ривожлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ўзгаришларни аниқлаш мақсадида берилган. Молиявий ва ҳуқуқий тизимдаги тўсиқлар ва уларни бартараф этиш учун зарур бўлган қонунлар таҳлил қилинади.

Учинчи савол шундай: Ўзбекистоннинг Ислом молиясини ривожлантириш борасида Қозоғистон ва Озарбайжон каби бошқа МДХ давлатларига нисбатан имкониятлари қандай ва уларнинг тажрибасидан қандай фойда олиш мумкин? Бу савол Ислом молиясини ривожлантиришда бошқа мамлакатларнинг тажрибаси билан Ўзбекистоннинг имкониятларини солиштиришни назарда тутди. Қозоғистон ва Озарбайжон Ислом молиясини амалда жорий этган ва бу соҳада бир қатор ютуқларга эришган давлатлар сифатида муҳим ўрнак бўлиши мумкин.

Тўртинчи савол: Ислом молияси бўйича молиявий хабардорлик даражаси ва диний эътиқод туфайли анъанавий банк хизматларидан фойдаланмайдиган аҳолининг молиявий эҳтиёжларини қондиришда қандай тўсиқлар мавжуд? Бу савол орқали аҳолининг Ислом молиясига нисбатан хабардорлик даражаси ва уларнинг анъанавий банк тизимига бўлган ишончи ўрганилади. Шунингдек, шариат қоидаларига амал қилувчи аҳолининг молиявий эҳтиёжларини қондиришда учраши мумкин бўлган тўсиқлар аниқланади.

Юқоридаги саволларга эконометрик усулларда ўлчанган жавоблар топиш орқали тадқиқотнинг умумий мақсади – Ислом молиясининг Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланишдаги аҳамиятини ўрганиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар бўйича тавсияларни шакллантиришга эришилади.

Хусусан, Ислом молиясини жорий қилишда муҳим бўлган айрим қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш мақсадида қуйидагилар ўрганиб чиқилди ва аниқланди.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига кўра, бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас. Шунингдек, банкларга юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки)

юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш айрим истиснолардан ташқари бошқа ҳолатларда тақиқланади.

Исломий молиялаштириш технологияларини жорий қилиш зарурати ушбу нормаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Чунки, ислом банклари лойиҳаларни молиялаштиришдан фойда олишади. Омонатчилари фақатгина дивидендларга эътибор қаратган ҳолда, ўз маблағлари нималарга инвестиция қилинишини билмайдиган анъанавий банклардан фарқли равишда, Ислом банкларида омонатчи пул маблағларининг келгусидаги ҳаракатини кўриши мумкин, бунда маблағ бизнесга, яъни Ўзбекистон қонунчилигида банклар шуғулланиши мумкин бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, суғурта ва тадбиркорликнинг бошқа туриларига инвестиция қилинади ҳамда фойдаси банк ва омонатчи ўртасида бўлинади.

Молиялаштиришнинг исломий моделларининг қоидаларидан бири – бу рискларни тақсимлашдир. Бизнесда фойда кўрилмаганда банк ҳам, мижоз ҳам даромад олмайди. Лекин агар фойда бўлса, у омонатчи ўртасида сармояга мутаносиб равишда тақсимланади. Бироқ, мазкур фаолият банк тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилмаган молиявий операция ҳисобланганлиги сабабли мазкур фаолият ҳам банклар томонидан амалга оширилмай келинмоқда.

Шунингдек, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига мувофиқ микромолия ташкилотлари тадбиркорлик субъектларига исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатишга ҳақли.

Мазкур нормада назарда тутилган исломий молиялаштиришга оид хизматлар деганда, исломий молиялаштиришни амалга ошириш стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотларнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган тартибда кўрсатиладиган молиявий хизматлар тушунилади.

Шу билан бирга, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасида Марказий банкка нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш мақсадида микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш ваколати берилган.

Таъкидлаш жоизи, Марказий банк бошқаруви мазкур ваколатдан келиб чиқиб 2024 йил 19 июлдаги 23/4-сон қарори билан Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни (Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3536) тасдиқлади [1].

Бироқ, нобанк кредит ташкилотлари сони, салмоғи, уларнинг қамрови ва молиявий имкониятлари Ўзбекистондаги банкларга ҳамда мавжуд талабга нисбатан етарли даражада эмас ва соҳадаги талаб ва таклиф ўзаро мутаносиб эмас.

Бундан ташқари, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида эса юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга микроқарз суммасидан ошмайдиган миқдорда исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатишга доир фаолияти микромолиялаштириш фаолияти деб эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микромолия хизматларининг ўрни ва улушини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 10 ноябрдаги ПҚ-364-сон қарорига асосан микроқарзнинг энг юқори миқдори 100 млн сўм этиб белгиланди. Бунда мазкур миқдор бизнесни ривожлантириш, хусусан, ҳар бир алоҳида тадбиркорлик субъектининг лойиҳасини амалга ошириш учун етарли бўлиши илмий асосга эга эмас.

“Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида нобанк кредит ташкилотлари бевосита

ишлаб чиқариш, суғурта, шунингдек савдо фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмаслиги, бундан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатувчи микромолия ташкилотлари мустасно эканлиги белгиланган, мазкур нормани “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида ҳам белгилаш орқали тижорат банкларига ҳам исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини бериш мумкин.

Ислом молияси уни ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида жорий этилишига оид кўплаб муҳим адабиётлар яратилган. М. Iqbal ва А. Mirakhor (2007) томонидан ёзилган "An Introduction to Islamic Finance: Theory and Practice" китобида, Ислом молиясининг назарий асослари ва унинг амалиётдаги татбиқи таҳлил қилинган. Ушбу асарда Ислом молиясининг ривожланишидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий омилларнинг ролига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, ушбу тадқиқотларда Ўзбекистондаги Ислом молиясини ривожлантириш учун керакли ҳуқуқий асослар ва ислоҳотлар етарли равишда ўрганилмаган, бу эса мавжуд масалаларни аниқлаш учун керак.

Иккинчидан, М. Kabir Hassan ва М. N. Lewis (2007) "Islamic Finance: Theory and Practice" китобида, Ислом молиясининг асосий принциплари ва унинг молиявий бозордаги амалиёти батафсил муҳокама қилинган. Тадқиқотчилар Ислом молиясининг анъанавий банкчиликдан фарқини ва бу соҳадаги инновацияларнинг аҳамиятини таъкидлашади. Бироқ, ушбу асар Ўзбекистондаги Ислом молияси учун зарур бўлган махсус ислоҳотлар ва ҳуқуқий механизмларни аниқламайди, бу эса ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун талаб қилинади.

Учинчидан, Ahmad ва Zainal (2014) "Islamic Finance: Opportunities and Challenges" мақоласида, Ислом молиясининг ривожланишидаги имкониятлар ва муаммолар аниқланган. Ушбу тадқиқотда ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий тўсиқлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Бироқ, Ислом молиясининг ижтимоий адолатни таъминлашдаги роли ва унинг ижтимоий тараққиётга

таъсири ҳақида аниқ экспериментал тадқиқотлар етишмайди, бу эса мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини камайтиради.

Тўртинчидан, S. N. Shirazi, L. Kuanova ва A. Ryskulov (2022) "The Experience and the Prospects of Islamic Finance in Kazakhstan" мақоласида Қозоғистонда Ислом молиясининг ривожланиш жараёни таҳлил қилинган. Тадқиқотда Қозоғистоннинг ҳуқуқий ислохотлари ва уларнинг самарадорлиги кўрсатилган, аммо Ўзбекистонда Ислом молиясининг ривожланишида керакли бўлган махсус ҳолатлар етиштирилмаган. Ушбу тадқиқот, Ўзбекистон учун фойдали моделларни тақдим этиши мумкин, лекин мамлакатнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олишда муаммолар мавжуд.

Бешинчидан, Al-Zoubi (2019) "Islamic Finance and Its Role in the Economic Development of Muslim Countries" номли асарида, Ислом молиясининг иқтисодий ривожланишга таъсири таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотда Ислом молиясининг иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва молиявий инклюзияни оширишдаги роли кўрсатилган. Аммо, Ўзбекистонда Ислом молиясининг имкониятини баҳолаш учун махсус тадқиқотлар етишмайди.

Яна бир муҳим асар Иқбалнинг (2020) "Islamic Finance: Theory, Practice, and Challenges" китобидир. Ушбу асарда Ислом молиясининг ривожланишини чекловчи омиллар ва унинг иқтисодиётдаги роли хусусида фикрлар билдирилади. Ушбу тадқиқотда Ислом молиясининг ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик учун катта имкониятга эга эканлиги кўрсатилган. Бироқ, Ўзбекистонда Ислом молиясини жорий этиш учун аниқ ислохотларни таклиф қилувчи манбалар кам.

Ушбу адабиётларнинг таҳлили Ислом молиясининг ривожланишидаги муаммолар ва имкониятларни аниқлашда катта аҳамиятга эга. Бироқ, уларнинг аксарияти Ўзбекистонга хос ҳолатларни эътиборга олмагани сабабли,

мамлакатда Ислом молиясини ривожлантириш учун аниқ ислохотлар ва ҳуқуқий асосларни кўриб чиқиш зарурати сақланиб қолмоқда.

Маданият ва иқтисодиёт орасидаги алоқаларни аниқлаш учун Ислом молиясининг Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланишга таъсирини тадқиқ қилишда амалга ошириладиган методология иккита асосий компонентдан иборатдир: эмпирик тадқиқот ва таққослаш тадқиқоти. Ушбу методлар тадқиқот саволларига аниқ жавоблар бериш, Ислом молиясини ривожлантириш учун керакли ҳуқуқий ислохотларни аниқлаш ва молиявий соҳага тегишли бўлган статистик маълумотларни йиғиш имконини беради.

Эмпирик тадқиқотнинг биринчиси, Ислом молияси хизматларини таклиф этувчи молиявий муассасаларнинг инвестиция жалб қилишдаги самарадорлигини аниқлаш мақсадида социологик сўровлар ўтказишдир. Бу сўровлар, Ислом молиясига қизиқиш билдирган тадбиркорлар ва потенциал мижозлар орасида олиб борилади. Сўровда иштирок этиш учун ижтимоий хулқ ва диний эътиқодлари сабабли анъанавий банк хизматларини қабул қилмайдиган шахслар танланади. Сўровда, Ислом молиясига бўлган қизиқиш ва талаб, Ислом молияси хизматларини қабул қилишдаги хатарлар ва фойда баҳолари, шунингдек Ислом молиясининг муҳитга таъсири ҳақидаги муносабатлар кўзда тутилади.

Шунингдек, эмпирик тадқиқот доирасида рақамли маълумотлар тўплаш учун Ислом молияси хизматлари кўрсатувчи банклардан маълумотлар олинади. Бу маълумотлардан Ислом молиясининг жалб қилган инвестициялари ва анъанавий банклар билан солиштирилган ҳолда таклиф этилган инвестицияларни аниқлаш учун фойдаланилади. Шунингдек, бевосита молиявий муассасалар ва тадбиркорлар орасида ижтимоий мослашув ва бочингилишини аниқлаш учун мусоҳабалар ўтказилади. Мусоҳабалар, Ислом молиясининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар ва ривожланишга таъсир этувчи муҳит билан боғлиқ масалаларни ўрганишга ёрдам беради.

Таққослаш тадқиқоти иккинчи муҳим компонент бўлиб, Ислом молиясини ривожлантириш учун керакли ҳуқуқий ислоҳотларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Бу методология Қозоғистон ва Озарбайжон каби Ислом молиясини муваффақиятли ривожлантирган давлатларнинг ҳуқуқий рамакалари, тартиб-қоидалари ва институционал тизимларини ўрганишни ўз ичига олади. Мақсад, Ўзбекистонда Ислом молиясини ривожлантириш учун самарали ислоҳотларни тўғрилашдир. Таққослаш тадқиқоти доирасида, ижтимоий контекст ва мамлакатлардаги фарқлар ўрганилиб, улардан фойдаланиш стратегиялари ишлаб чиқилади.

Ушбу тадқиқот методологияси, Ислом молиясининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ривожланишини аниқлаш ва бу соҳадаги муаммоларни ечиш учун керакли чора-тадбирларни таклиф қилиш мақсадида миқдорий ва сифатли тадқиқот методларини ўзлаштиради. Миқдорий тадқиқот учун статистик таҳлил усуллари, сифатли тадқиқот учун эса контент таҳлили ва интерпретатив тадқиқот методлари қўлланилади. Тадқиқот натижаларини тақдим этишда графиклар, диаграммалар ва таблицалардан фойдаланиш керак, бу эса олинган маълумотларни визуаллаштириш ва тушунарли қилиб тақдим этиш имконини беради.

Умуман олганда, ушбу методология Ислом молиясининг Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланишини аниқлаш ва бу соҳадаги муаммоларни ечиш учун керакли чора-тадбирларни таклиф қилиш мақсадида мослаштирилган. Эмпирик тадқиқот ички ва ташқи омилларни аниқлашга ёрдам берса, таққослаш тадқиқоти самарали ҳуқуқий ислоҳотларни таклиф қилиш учун зарур бўлган ўрганишларни олиб бориш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. [“Islom moliyasi to‘g‘risidagi qonun loyihasi tayyor” — MB raisi o‘rinbosari – O‘zbekiston yangiliklari – Gazeta.uz](#)
2. Islom moliyasi – muammolar va yechimlar.
https://www.researchgate.net/publication/377226310_ISLOM_MOLIYASI_-_MUAMMOLAR_VA_YECHIMLAR.
3. Александр Волтерс, Марказий Осиё давлатларида Исломий молия: Стратегиялар, Институтлар, дастлабки тажрибалар // 2013 - PFH Göttingen. p. 5-32.
4. Shirazi, N.S., Kuanova, L.A., Ryskulov, A. and Mukusheva, A.G. (2022), "The experience and the prospects of Islamic finance in Kazakhstan", Qualitative Research in Financial Markets, Vol. 14 No. 3, pp. 461-482.
5. [https://www.imf.org/en/Publications/Search?#sort=%40imfdate%20descending&f:series=\[POPPRS\]](https://www.imf.org/en/Publications/Search?#sort=%40imfdate%20descending&f:series=[POPPRS])
6. Kuanova, Laura & Sagiyeva, Rimma. (2019). Islamic finance in Kazakhstan: adaptation of foreign experience. Хабаршысы. Экономика сериясы. 127. 25881.
7. Kuanova, Laura. (2023). Islamic Finance Ecosystem’s Institutional Support: The Case of Kazakhstan. Journal of Critical Realism in Socio-Economics (JOCRISE). 1. 10.21111/jocrise.v1i2.17.
8. Sagiyeva, Rimma & Kuanova, Laura. (2019). Analysis of Islamic Finance development in Kazakhstan: overview and prospects. Экономика: стратегия и практика. 10. 39-48.
9. <https://www.lex.uz/>